



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакда буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 24 июль, № 143 (5817)

Чоршанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ўймакорлик, дурадгорлик халқимизнинг қадимий касб-корларидан бири ҳисобланади. Эътиборлиси, истиқлол йилларида бу ҳунар қайтадан сайқал топиб, янги кўринишда ривожлантирилмоқда. Соҳага замонавий технологиялар жалб этилиб, маҳсулотлар саноатлашган усулда тайёрлана бошланди. Натижада миллий, шу билан бирга, замонавий мебелсозлик соҳаси қарор топди, шаклланди.

ЯНГИЛАНИШ ВА САЛОҲИЯТ

Бугунги кунга келиб аҳолининг мебел жиждаларига бўлган эҳтиёжининг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминлана бошлагани эришилди. Шак-шубҳасиз, мазкур йўналишда фаолият юритаётган ишбилармонларга қатор имтиёзлар берилаётгани соҳа раёқда муҳим омил бўлаётди. Пойтахтимиздаги "E'tiqod" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятида мебелсозликдаги янгилашни кенг жорий этгани билан, айниқса, эътиборни тортади. Гап шундаки, айни пайтда 120 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган ушбу жамиятда маҳаллий дархотлар ёғочидан тайёрланаётган 50 турдаги

мебел маҳсулотлари нарх ва сифат жиҳатидан хариддорларга маъқул тушмоқда. — Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириш учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди жамият раҳбари Абдуғани Қосимов. — Яъни бугун барча соҳада ҳалол меҳнат қилиб, юқори даромад оламан, деган кишига имкониятлар эшиги очилди. Масалан, тадбиркорликни олиб кўрайлик. Бугунги кунда кўпчилик ана шу соҳада меҳнат қилмоқда. Натижада Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланиши фаворон ҳаёт кечириш манбаига айланиб бораёпти. Бу эса дунё микросида ҳақли ра-



Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамиз бўйича жами

15,8

мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш юзасидан ички чора-тадбирлар кўрилгани, тадбиркорларнинг бизнес лойиҳалари тижорат банклари томонидан имтиёзли равишда молиялаштирилгани соҳада ана шундай ижобий натижага эришиши имконини бери.

(Давоми 2-бетда).

вишда эътироф этилаётди. Буни давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, ўтган йили Ўзбекистон бизнесни

юрйтиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилганидан ҳам билиб олиш мумкин. Биз ҳам шундай имконият ва ўзгаришлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб бораёямиз. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ўз дилерларимиз бор.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Хусусан, биргина экология соҳасида 120 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётди.

Жамоатчилик экологик назорати — экотизимни муҳофаза қилишнинг асосий омили

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда экологик назорат турлари ва шакллари, амалга ошириш тартиби, давлат назорат органларининг назорат фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни ва механизми тўлиқ очиб берилган. Шу билан бирга, айни пайтда идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратни хизматлари ваколатлари чегаралари ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини рўйбга чиқариш қоидалари аниқ тартибга солинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга зарурат бор. Давлатимиз раҳбари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атоф-муҳит муҳофазаси соҳасига доир давлат дастурларида жамоат ташкилотларининг иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этишини ўқтирган эди. Мамлакатимиз Президенти атоф-му-

ҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақдир қилди. Мустақилликка эришганимиздан бошлаб мамлакатимизда атоф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назоратни амалга оширишнинг қонунчилик асоси шакллантирилди. Бу соҳада асосий ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида алоҳида "Экологик назорат" бўлими ажратилган. Унда экологик назоратнинг вазифалари, атоф табиий муҳит ҳолати мониторингини, давлат, шунингдек, идоравий, ишлаб чиқариш ҳамда жамоатчилик назоратининг моҳияти кўрсатиб ўтилган. Мазкур назоратни олиб борадиган ваколатли органлар рўйхати белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон имкониятлари Штирияда тақдим этилди

Австриянинг Штирия федерал ўлкасида жойлашган Леобен шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимизнинг Австриядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Леобен шаҳар маъмурияти ва жамоатчилигининг вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди. Тадбирда юртимизнинг "ўзбек модели" асосидаги замонавий тараққиёти оид атофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Бунда мазкур ривожланиш модели туғайли Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари сафидан ўрин олгани ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари-

ни бартараф этолгани билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" маъсус индустриал зоналарининг кенг сармоявий имкониятлари, хорижлик сармоядорлар учун яратилган қўлайликлар, юртимизнинг бой тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик жабҳасининг тараққиёти тўғрисидаги ахборотлар ҳам тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда сўзга чиққан Леобен шаҳри мэри Курт Вальнер мазкур шаҳар Австрия тоғ-кон

саноатининг марказларидан бири саналишини ҳамда бу ерда металл ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, логистика, озиқ-овқат саноати соҳасидаги йирик компаниялар фаолият юритаётганини айтди. К. Вальнер Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришган муваффақиятларини юқори баҳолаб экан, Леобен-Монтань ва маданий-гуманитар жабҳаларда Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини ўрганишга тайёр эканлигини маълум қилди. Леобен шаҳри мэрининг маданият ва

таълим масалалари бўйича муовини Максимилиан Ягер эса ушбу шаҳарда минерал ресурсларни ишлаш, нефть-газ, металлургия, машинасозлик, саноатда энергетика технологиялари сингари ва бошқа соҳалар учун муваффақиятларни таъминлашга қўйиладиган нуфузли Леобен-Монтань университети жойлашгани хусусида атофлича тўхтади. Унинг таъкидлашича, мамлакатимиз тоғ-кон саноати учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида Леобен-Монтань университети ва Ўзбекистоннинг шу соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртини ўртасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши икки мамлакат муносабатларининг янада кенгайтишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА. Вена

Муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида жорий йилнинг биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Жўқорғи Кенгес Раиси М. Ернязов бошқарган йиғилишда ҳудудда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфраструктурасини изчил ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хусусан,

ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,1, халқ истеъмоли моллари ҳажми 19,5, қурилиш ишлари 10,2, хизматлар кўрсатиш 11,4 фоизга ўсди.

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжа-

лиги соҳаларида умумий нархи 387,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 3 минг 225 лойиҳани амалга ошириш, натижада 13 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Ҳисобот даврида 28,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция киритилиб, 741 лойиҳа рўйбга чиқарилгани, 2 минг 718 иш ўрни яратилгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).




НАСИБАСИ БУТУН ХАЛҚМИЗ

Азалдан ғаллакор халқимиз. Аммо шундай кўргиликлар бошимиздан ўтдики, четдан келадиган ғаллага термилиб қолдик. Айниқса, мустақиллик арафасида "Бизсиз кунингиз ўтмайди", деб катта кетганлар ҳам кўп бўлди атофимизда... Истиқлол, таъбир жоиз бўлса, бизга нон берди. Узимизнинг ҳалолу покиза, беминнат ризқимизни бунёд этди. Дастлабки йиллар 940 минг тонна ғалла етиштирган бўлсак, мана, бу йил 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон ҳосилини йиғиштириб олдик. Ҳозир ўзимиздан ортганини узоқ-яқин қўшилларга сотаямиз. Ҳар йили жойларда нон сайиларини ўтказаямиз. Насибамиз бутун, айтар сўзимиз дангал, қўлимиз узун. Энг муҳими, дастурхонимизда сават-сават нон. Кексапар "Нони сероб халқнинг бели бақувват бўлади", деб бежиз айтишмаган. Бели бақувват инсоннинг эса руҳияти ҳам тетик бўлади.

Махсетбой КАРИМОВ, «Дўстлик» ордени соҳибни. Қўнғирот тумани

Истиқлол сулури

1991



2013

1991 йил

• Тошкентда Республика Олий Кенгагининг навбатдан ташқари VI сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Давлат Мустақиллиги қабул қилинди. Тегишли қарорга мувофиқ, 1 сентябрь — Мустақиллик куни, деб эълон қилинди. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

• Юртбошимиз ташаббуси ва сайёҳаракати билан Бош майдонимизга "Мустақиллик майдони" номи берилди.

• Тошкентда буюк мутафаккир Алишер Навоий хайкали ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи очилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинди.



• Олий Кенгагининг VIII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Республикада деҳқон (фермер) ҳўжаликларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Чикиндилар тўғрисида"ги, "Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини му-

тибга солиш қонунчилиги тажрибаси, экологик назоратни амалга ошириш ва ташкил қилиш процессуал механизми чукр ўрганилди. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг табиати муҳофаза қилиш қонунчилигида мусафо атроф-муҳит ҳуқуқи ҳар бир фуқаро ва инсоннинг фундаментал ҳақда ажралмас ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф

оширилади. Махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги, шунингдек, уларга жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш ҳамда бу учун самарали механизм яратишда кўмаклашиш кўзда тутилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг атроф-муҳит

ришда, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш ва уларнинг ўқувини ташкил этишда кўмаклашадилар. Фуқаролар йиғинлари экологик назоратнинг бошқа турлари амалга оширилишида, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органига тақдир қилинган ишчилик этиди, ижро ҳокимияти органлари, тегишли ҳудудда жой-

биат ресурсларидан мутаносиб фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштиришга хизмат қиладиган мамлакат экологик сиёсатининг асосий принциплари ва моҳиятини аниқлаб беради. Мақсуд қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижросида ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини ва давлат тузилмаларини жалб қилган ҳолда экологик назоратни изчил амалга оширишда ўз аксини топади. Қонун лойиҳасининг асосий вазифалари атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан ноқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш ҳамда унинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизмининг яратиш, экологик назорат соҳасидаги ваколатли органлар назорат фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини такомиллаштириш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг экология соҳасидаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашдаги фаолиятини янада кучайтириш ҳисобланади.

Жамоатчилик экологик назорати — экотизимни муҳофаза қилишнинг асосий омили

ҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер қонунларида табиат объектларини муҳофаза қилиш ва мутаносиб фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли органлар, айтиб чоғда жамоатчилик назоратини олиб боришда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги сингари қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқишда тақдир қилиш қиратиш ва иштирок этиш ҳуқуқи мустақамлаб кўйилган.

этилган. Уларда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик экологик назоратининг мустақил субъектлари сифатида белгиланган. Шу муносабат билан жамоатчиликнинг табиатни муҳофаза қилишда иштирок этишининг усул ва шакллари ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кенг муҳокамага тақдим этилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси 4 бўлим, 34 моддадан иборат. Унда экологик назоратнинг турлари — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш жамоатчилик экологик назорати, уни амалга ошириш тартиби ва услуби, назорат натижасини расмийлаштириш ва амалга ошириш шакллари белгилаб берилган. Давлат органларининг, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тартибга солишда, Идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган ягона низом қатъий амалга қилган ҳолда экологик хизматлар томонидан амалга

муҳофазаси масалалари бўйича қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бу соҳада давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи мустақамлаб кўйилган. Қонун лойиҳасининг ўзига хос хатти шундаки, миллий амалиётимизга жамоатчилик экологик назорати кенг қўламда татбиқ этилади. Унинг субъектлари сифатида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар белгилаб кўйилмоқда. Жамоатчилик экологик назорати фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доирасида тегишли ҳудудда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда, нодавлат нотижорат ташкилотларига атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслардан ноқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солуви ҳақидаги вазиятларни кузатиб бориш ва олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишида, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга оши-

лашган муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини янада оширишга, жамоатчилик тузилмаларининг атроф-муҳит муҳофазасида ҳамда экологик вазиятни яхши-лашдаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади. "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши назорат фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ишончли механизмининг яратиш, экологик ННТ, хизматларнинг идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати бўйича ваколатларини ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилашга замин яратди. Мақсуд қонун лойиҳаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун нормаларини амалга оширишнинг таъминлашга йўналтирилган бўлиб, та-

бир ресурсларидан мутаносиб фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштиришга хизмат қиладиган мамлакат экологик сиёсатининг асосий принциплари ва моҳиятини аниқлаб беради. Мақсуд қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижросида ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини ва давлат тузилмаларини жалб қилган ҳолда экологик назоратни изчил амалга оширишда ўз аксини топади. Қонун лойиҳасининг асосий вазифалари атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан ноқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш ҳамда унинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизмининг яратиш, экологик назорат соҳасидаги ваколатли органлар назорат фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини такомиллаштириш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг экология соҳасидаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашдаги фаолиятини янада кучайтириш ҳисобланади.

Борий АЛИХАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари,
Сергей САМОЙЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.



Хосен ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ҚАДРИ УЛУҒ

Пенсияга чиққанамга тўққиз йил бўла-
япти. Аммо оёқ узатиб ўтиришни ҳеч ўзимга
эп кўрмайман. Имкониятлар кўп эмасми,
ғайратим жўшиб ишлагим келаверади.

Тўғри-да, бугун меҳнат қилган инсон кам
бўлаётгани йўқ. Тадбиркорлик дейсизми,
ҳунармандчилик дейсизми, деҳқончилик дей-
сизми — барининг ортидан роҳат-фароғат
топиш мумкин. Яхши даромад эса рўзғор-
нинг баракаси.

Ёшлигимдан асаларчиликка қизқишим
бўлакча. Ҳозир 16 қути болари оқласини
парваришляпман. Бундан ташқари, томор-
қамизни ҳам бўш қўйганимиз йўқ. Хазина-
нинг ўзгинаси. Картошқадан тортиб поми-
дору пийёзгача шу ердан чиқади. Анору
анжирнинг энг сарасини боғимиздан топа-
сиз. Бултур ҳар туп хурмодан қирқ килога
етказиб ҳосил олдик. Буларнинг барчаси
ҳалол меҳнат маҳсули.

Яқинда мактабда ўқийдиган неварам:
"Бобо қилмоғимиз қачон пайдо бўлган", деб
сўраб қолса, денг. Уша кундан бери ҳалова-
тим йўқолган. Ҳозир туманимиздаги қиш-
лоқлар тарихини ўрганаётман. Шуларни бир
китоба жамласам, яна бир орзум уша-
ларди. Ёруғ кунларга етганимизча қанча
қийинчиликлар кўранганимизни болаларимиз ҳам
билишини, дейман-да. Шунда Истиқлолнинг
қадр-қиммати янада улуг бўлади.

Шариф ҲАМДАМОВ,
меҳнат фахрийси.
Пешку тумани, Валфажр қишлоғи.

1991



2013

1992 йил
● Президентимиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари»
— «Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини таш-
кил қилиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон
Республикаси Олий Кенгашининг X сес-
сиясида тасдиқланган «Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни
эълон қилинди.

● Тошкентда Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармасининг биринчи таъсис конференция-
си ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-
гаши XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбе-
кистон Республикаси Конституциясини
қабул қилиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон
Республикаси Конституциясини қабул қилин-
ган кунни умумхалқ байрами деб эълон
қилиш тўғрисида»ги қонунлари кучга
кирди.

● Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпия
қўмитасининг таъсис конференцияси
бўлиб ўтди.

Муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилинди. Бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга йўл қўйлаёт-

ганига эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини ошириш зарурлиги ўқтирилди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди. **Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

ҚАШҚАДАРЭ

Вилоят ҳокими Т. Жўраев бошқарган фаоллар йиғилишида санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7, халқ истеъмолчи моллари ҳажми 16,3, капитал қўйилмалар 12, пудрат ишлари 12,8, чакана савдо айланмаси 14,9, пуллик хизмат кўрсатиши 15,7, жами хизматлар ҳажми 16,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6,3 фоизга ўсгани қайд этилди. Ҳисобот даврида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг оми 47 минг 374 тага етган. Бизнесни юриштишда ички ва ташқи бозор талаблари ўрганилиб, ишлаб чиқариш жараёни илгор хорижий технологияларга асосланган маҳсулотлар рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилаётгани пировадиди кичик бизнес корхоналарининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидеги улуши 44,2 фоизни ташкил этаётгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доира-сида амалга оширилган ишлар билан бирга, бу борада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйган шаҳар ва туман ҳокимликлари, бир қатор ташкилотлар фаолияти танқид қилинди. Жумладан, Чирокчи, Қамаш, Касби, Миришкор ва бошқа туманларда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш, шунингдек, маҳаллий экспорт имкониятларидан фойдаланиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Бундан ташқари, йўл қурилиши соҳасидаги камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди. **Аҳад МУҲАММАДИЕВ.**

ФАРФОНА

Йиғилишни вилоят ҳокими Ш. Ғаниев олиб борди. Эътироф этилганидек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 10, санаот маҳсулотлари 8,5, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 16,7, қишлоқ хўжалиги 7,6, чакана савдо айланмаси 17,5, пуллик хизматлар кўрсатиши 14,8, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга ўсди. Ҳисобот даврида ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастури доира-сида 1 минг 359 лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, чекка туманларда санаотни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда юздан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилди. Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-

ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Чунинчи, Бандлик дастури ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 49 минг 200 янги иш ўрни яратилди. Ҳисобот даврида биринчи ярим йилликда эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бирга, бу борада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйлаётгани муҳокама этилди. Айниқса, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуз-қиш мавсумига тайёрлашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов сўзга чиқди. **Набижон СОБИРОВ.**

Журналистлар малакасини ошириш — давр талаби

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим ўрин тутмоқда.

ЖАРАЁН

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригидега қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва дастурларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг тезкор ва холис ёритилишида ОАВнинг роли бежиз эмаслиги таъкидланган эди. Мамлакат Президентининг журналистларга мурожаатида, шунингдек, гагдига устувор вази-фалар, хусусан, ҳаёт ва тафаккур тарзими-нинг ифодаси бўлган миллий кадриятларни қўз қорачиқдек асраб, шу билан бирга, ҳаёт миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб иш олиб бориш ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий та-момийларини ташкил қилиши

зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бу борада муваффақиятларга эришиш, албатта, ОАВнинг дунё ахборот маконидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди. Шубҳасиз, ушбу вази-фаларни амалга оширишда журналистлардан ўз фуқаролик позицияси ва касбий фаоли-ятини янада такомиллашти-риш, бунинг учун, табиийки, юксак маҳорат, ташаббускор-лик, фаоллик талаб этилади. Шу кунларда мамлакатимиз-нинг барча ҳудудларида омма-вий ахборот воситаларининг жойлардаги вакиллари ишти-рокда "ОАВ фаолиятининг самарадорлиги — фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омили" мавзусида дав-ра суҳбатлари ўтказилди. Фу-қаролик жамияти шакллани-шини мониторинг қилиш мус-тақил институтининг минтака-вий бўлиналари томонидан Матбуот ва ахборот агентли-гининг ҳудудий бошқармала-ри ҳамда Ўзбекистон Журна-листлари иходий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда шулар алоҳида таъкидланди. Уларда ахборот соҳасини либераллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган

чора-тадбирлар мазмун-моҳи-ятини аҳолига етказиш, жур-налистларнинг фуқаролик по-зицияси ва ижтимоий масъу-лиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга дав-турларни бажаришда ОАВнинг ролини такомиллаштириш ма-салаларига эътибор қаратил-ди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъ-минлаш, ёшларни турли хил ахборот хуржурларига қарши ку-раша оладиган қилиб тарбия-лаш ҳамда фуқаролик жамия-тининг барпо этишида ОАВнинг фаол иштирокини таъминлаш каби долзарб вазифалар кенг муҳокама қилинди. Фирқ алмишиш жараёнида журналистлар тахририятлар фаолиятини яхшилаш, идоралар ахборот хизматлари вакиллари-нинг масъулиятини ошириш, ОАВ ходимлари меҳнатини рағ-батлантириш борасида ўз фир-мулоҳазаларини билдиришди. — Очик мулоқотда ахборот соҳасини янада эркинлаштириш ҳақида батафсил маълумотлар берилди, — дейди ФЖШМҚМИ Қорақалпоғистон Республикаси бўлинимса катта мутахассиси З. Қиличева. — Бу, шубҳасиз,

тадбир ташкилотчилари, қола-верса, медиа-тузилмалар ва-киллари учун ҳам жуда фойда-лидир. Шунингдек, тадбирда ОАВ ва жамият ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-лигини таъминлаш йўлида жур-налистларнинг ролини оши-ришга қаратилган устувор ва-зи-фалар хусусида ҳам тўхта-либ ўтилди. — Кенг миқёсдаги маса-лаларни ҳал этишда журна-лист ўз устида кўпроқ ишла-ши мақсадга мувофиқ, — дейди Навоий вилояти мат-буот ва ахборот бошқарма-си бошлиғи Ж. Умрзоқов. — Бунинг учун вилоятимизда барча зарур шарт-шароит яратилган, ОАВ зарур мод-дий-техник база, замонавий ахборот коммуникация техно-логиялари билан таъминлан-ган. Ҳозир соҳада янада юқори самарадорликка эри-шиш учун мавжуд имконият-лардан оқилона фойдаланиш айти мудоаодир. Давра суҳбатларида таҳлил этилган масалалар юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар бериб ўтилди. **Зиёда АШУРОВА.**

ЯНГИЛАНИШ ВА САЛОҲИЯТ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шунингдек, бир неча давлатларда бўлиб ўтган халқаро мебелсозлик кўргаз-маларида иштирок этганимизда кўплаб хорижий ишбилармонлар билан мулоқотда бўлиб, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоладик. Натижада жорий йилнинг олти ойида 1 миллиард 159 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, шундан 274 миллион сўмликни экспорт қилдик. Шу ўринда айтиш керакки, маҳсулот-ни хорижга чиқариш тадбиркорнинг имкониятларини янада оширади. Чунки жунда, аввало, корхонага валюта бўлаб этилади. Бу эса истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун айти мудоаодир. Албатта, ишлаб чиқаришга замона-вий технологиялар, инновацион ишлан-маларни жорий қилмасдан муваффақ-иятга эришиб бўлмайди. Бу — тадбир-корликнинг асосий қонунларидан бири.



Хосен ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Зеро, замонавий технология сифатли маҳсулот тайёрлаш гаровидир. Айти кун-ларда корхонага Италиядан яна бир за-монавий линия келтирилиши режалаш-

тирилмоқда. Бу келгусида иш ҳажмини икки баробар ошириш имконини беради. **Дилшод УЛУҒМУРDOV,**
«Халқ сўзи» мухбири.

Фидокорона меҳнатга юксак баҳо

Юртбошимизнинг мамлакатимиз галлакорларига йўллаган табриги барча меҳнаткашлар қаторида бизнинг жамоамиз аҳли қалбини ҳам қувончга тўлдирди. Айниқса, хўжалигимиз номи илгорлар сафида тилга олингани кўнглимизни осмон қадар юксалтирди.

ДИЛ СЎЗИ

Жорий мавсумда 7 миллион 610 ми-нг тоннадан зиёд галла хирмони яратилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжа-лиги тарихида рекорд кўрсаткич қўлга киритилишида, биринчи гагда, соҳа-нинг моддий-техник имкониятлари мустаҳкамлангани, хусусан, сифатли

урўглик, минерал ўғит ва ёнилғи-мой-лаш материалларининг ўз вақтида етказиб берилгани муҳим оми-л бўлди. Биз, масалан, шу каби шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда, 45 гектар майдонда бўғдой-нинг "Таня" навини парваришлаб, мўлжалдагидан анча юқори дон етиш-тиришга муваффақ бўлдик.

Гап шундаки, ҳар гектардан 100 центнердан ошириб ҳосил йиғишти-риб олдик. Унинг 180 тоннаси давлат эҳтиёжи учун етказиб берилган бўлса, қолган қисми хўжалигимиз меҳнаткашлари оғборига тўқилди. Ху-сусан, сувчи ва механизаторларимиз-нинг ҳар бирига 2 тоннадан дон улашдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга

қараганда, галлачиликнинг ўзидан 140 миллион сўмдан ортиқ даромад келиши кутулимизда. Айтиш керакки, бундай муваффа-қият, энг аввало, табриқда таъкид-ланганидек, мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини қўллаб, ўз вақ-тида фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани самарасидир. Чиндан ҳам, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг таъниги қилган фермер хўжаликлари ўзларига берил-ган имконият ва имтиёзлар шароф-ати туфайли ерни тиллога, сувни гав-харга айлантириш йўлида фидойийлик

кўрсатмоқдалар. Бу пировадиде уларнинг йил сайин даромади кўпайиб, моддий манфаатдорлиги ошишига, қишлоқдаги ижтимоий-иқти-содий масалаларни ҳал этишда фаол бўлишига хизмат қилапти. Мухтасар айтганда, бугун ўзбек деҳқони ўз илми, тажриба ва ғайрати хен қимниқидан кам эмаслигини амал-да исботлади. Давлатимиз раҳбари ана шу фидойи меҳнатимизга юксак баҳо бериб, энг эзгу тилакларини из-хор қилдики, бу ғайратимизга ғайрат қўшиб, янада юксак марраларни забт этишга руҳлантиришмоқда. **Аҳмаджон ОХУНОВ,**
Норин туманидаги «Аҳмаджон Алижон ота ўғли» фермер хўжалиги раҳбари.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Осмонўпар бино қурилади

Хитойда сайёрамиздаги энг баланд бинони барпо этишга киришилди.



Баландлиги 838 метрни ташкил этадиган мазкур иншоотта "Скай сити" номи берилган. У мамлакатнинг Чанша шаҳрида қад ростлайди.

"Скай сити" айна пайтада Ер юзидagi энг юксак бино — "Бурж Халифа" (Бирлашган Араб Амирликларидан) 10 метр юқори бўлади.

Умумий майдони 1,05 миллион квадрат метрга тенг мазкур осмонўпар мажмуа ҳудудидан компаниялар учун офислар, меҳмонхона, мактаб, касалхона, савдо дўконлари, ресторанлар, спорт заллари ва тўрт минг оилага мўлжалланган хонадон жой олади.

Режага кўра, қурилиш ишлари 2014 йилнинг апрель ойида якунланади. Бунинг учун 850 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Рекорд кўрсаткич

Евроҳудудга кирувчи мамлакатларда давлат қарзлари билан боғлиқ кўрсаткич рекорд даражага етди.

Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали "Евростат" маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Айна пайтага келиб, ушбу ҳудудда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзлари ҳажми 92,2 фоизга етган. Бу борада, айниқса, Греция (160,5 фоиз), Италия (130,3 фоиз) ва Португалия

(127,2 фоиз)да аҳвол мураккаб.

Ўтган давр мобайнида фақат Германия ҳамда Эстония давлат қарзларини қисқартиришга муваффақ бўлган. Жумладан, Германия кўрсаткичларини 81,9 дан 81,2, Эстония эса 10,1 дан 10 фоизга камайтирган.

Инқироз таъсири

Европа алоқа бозорининг етакчи операторларидан бири — "Vodafone" компанияси жорий йилнинг иккинчи чорагида 11,77 миллиард евро миқдорда маблағ ишлаган.

Аммо бу ўтган йилнинг шу даври билан тақосланганда 3,5 фоизга камдир. Даромаднинг пасайиши "кўнра китба"да ҳамон сақланиб турган молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқлиги айтилмоқда.

Тахлилларга қараганда, "Vodafone" бой берган маблағларнинг 5,1 фоизи Германия, 10 фоизи Испания ҳамда 17 фоизи Италия ҳиссасига тўри келган.

Даромади ошди

Электротехника воситалари ишлаб чиқарувчи Нидерландиянинг "Philips" компанияси иккинчи чорак якунларини эълон қилди.

Ушбу даврда корхонанинг даромади 7 фоизга ошди, соф фойда 317 миллион евро ни ташкил этган. Компания ўтган йилнинг иккинчи чорагида 102 миллион евро миқдо-

рида маблағ орттирган эди.

"Philips", асосан, соғлиқни сақлаш муассасалари учун мўлжалланган жиҳозлар савдоси орқали шундай иккинчи натижага эришган.

Хакерлар ҳужуми

"Apple" компанияси сайтга хакерлар томонидан ҳужум уюштирилди, дейилади "Файненшл таймс" нашри хабарига.

Мутасаддиларнинг сўзларига кўра, "Apple" айна пайтада мобил алоқа воситалари учун янги дастурлар устида иш олиб бормоқда. Хакерлар улар ҳақида маълумотларни қўлга киритишга уриниб кўрганлар. Аммо мақсадларига эриша олмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийётимизнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айлиниб улгурди. Яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити ва соҳа вақилларига берилаётган имтиёзлар эса уларнинг сафи тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиш баробарида, хизматлар сифати яхшиланишига олиб келди.

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЗАРУР ҚУРИЛМА

Пойтахтимиздаги "Fratelli International" масъулияти чекланган жамияти ана шундай истикболли тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, мазкур жамият 2009 йилда давлат ва нодавлат ташкилотларига электр ишлари (АЙСКУЭ) тизими бўйича хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган эди. Қарангки, вақт ўтган сайин корхона жамоаси хизмат кўрсатишдан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Яъни бу ерда 2011 йилдан бошлаб "КШ-10" деб номланувчи шишали изолятор тайёрлаш

ўзлаштирилди. 6-10 кВгача электр энергиясини ўтказиш хусусиятига эга ушбу маҳсулот, айниқса, кичик корхоналар учун жуда қулай эканлиги унга бўлган талаб тобора ортиб бораётганида намоён бўлмоқда.

— Давлат синовидан ўтказилиб, сертификатлаштирилган ана шу ускунани ўрнатишдан олдин унинг ташқи ҳолатига, яъни сифатига жиддий эътибор қаратиш зарур, — дейди корхона раҳбари Шухрат Талипов. — Стандарт тревесдаги 22 мм. қалинлидаги прудга КП-22 пробкаси қоқилиб, сўнг унга изолятор буралиб

ўрнатилади. Ҳар бир маҳсулотнинг йўриқномасида унинг қўлланилиш тартиби ва таққиланган жиҳатлари кўрсатилган. Айна пайтада маҳсулотнинг ман этилган кўрсатмалари ҳам мавжуд. Хусусан, изоляторни арматура ва бошқа материаллардан тайёрланган тревесларга мато ўраб ўрнатиш тавсия этилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида корхона маҳсулотларига қизиқувчилар кўп бўлди. Буни кўргазма давомида "Ўзбекэнерго" ДАК тизи-

Реклама ўрнида

мидаги электр тармоқлари корхоналари билан 120 миллион сўмлик шартномалар имзолангани тасдиқлаб турибди. Ҳозирги кунда эса, шартномаларга биноан, маҳсулотлар буортмачиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили корхона томонидан харидорларга 8790 минг сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида мазкур кўрсаткич 82062 минг сўмликка етди. Сабаби аён: бу йилги саноат кўргазмасида 200 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган.

Бундан ташқари, корхона маҳсулотлари қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Мухтасар айтганда, бугунги кунда жамоа ахли қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билан бирга, сифатли ва тежамкор маҳсулот ишлаб чиқариш орқали корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ханифа ШАМШИЕВА.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИ ВАЗИРИКЛАРИ, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 13 ИЮЛДАН 19 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. «Ўзбекистон Республикаси банкларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида» йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 29 июндаги 13/9-сонли қарори.
2013 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-3 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).
2. «Балиқчилик ишлаб чиқариши ҳодимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 26 июндаги 46-5-сонли буйруғи.
2013 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2478 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).
3. «Қасаба уюшмалари органларининг ҳодимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 11 июлдаги 64, 47-кк, 2013-35, 11/4-сонли қарори.
2013 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1690-1 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).
4. «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли мониторингини таъминлаш учун маҳсулотларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомага қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш

ва ракобати риоялантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 5 июлдаги 01/22-26/04-сонли қарори.

2013 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-2 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).

5. «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоғни тасдиқлаш ҳақида» қарорга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобати риоялантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 5 июлдаги 01/22-26/05-сонли қарори.

2013 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223-2 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).

6. «Электрон рақами имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика хисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоғни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сонли қарори.

2013 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2479 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).

7. «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқнома тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хўнар таълими марказининг 2013 йил 16 июлдаги 19/кк, 36/кк-сонли қарори.

2013 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2480 (2013 йил 22 июлдан қўлга кирди).

Реклама ва эълонлар

«Universal Auktsion Invest» МҶЗ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 9 август куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтақўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 25 мартдаги ижро варақасига асосан, Тахтақўпир тумани СИБ томонидан хатланган, Тахтақўпир тумани «Белтау» ОФИДА вақтинча сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Т-4А» русумли трактор, завод рақами 342838, бошланғич баҳоси — 15 624 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 26 август куни бўлиб ўтади.

2013 йил 26 август кунги соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани ЖИБ судининг 2013 йил 7 мартдаги 1-55-2013-сонли ва Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074(17)-сонли ижро варақаларига асосан, Кегейли ва Беруний тумани СИБ томонидан хатланган:

Кегейли тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «М-412 ИЭ» русумли, давлат рақами 95 S 143 СА, бошланғич баҳоси — 630 000 сўм;

Беруний тумани, «Бройлер фабрикаси» аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-431410» русумли, давлат рақами 23 А 1707, бошланғич баҳоси — 12 605 000 сўм;

1991 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28Х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-50 ЕГ, бошланғич баҳоси — 6 218 000 сўм;

1991 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28Х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-52 ЕГ, бошланғич баҳоси — 6 218 000 сўм;

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.

Гувоҳнома № 004059.

ООО «MASTER STEEL»

изготавливает производство молочных продуктов
оборудование производство пищевых продуктов и концентратов
для сельского хозяйства

фармацевтических компаний химической отрасли

Тел.: (+99898) 127-14-06, (+99891) 134-88-07. Тел./факс (+99871) 262-58-03.



1248/1404

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамши кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

ВИРИН ХСК

КЎСАК ҚЎРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — гўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.


Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

Манзил: Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй. Тел.: (+99890) 920-32-99, (+99894) 160-27-24.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор



ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
• бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
• ресторанлар, кафе, барлар;
• фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.
Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.


Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Кичик Бешёғоч к., 86 (соби. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

ЁАЖ шаклидаги «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚҚ лизинг компанияси

тошни майдалаб-сараловчи ускуна сотилиши ҳақида эълон қилади.



Ускуна шокли майдаловчи, конусли майдаловчи, вертикал валли зарбли майдаловчи, галвир машинаси, кумювгич ҳамда транспортёрдан иборат. Қуввати соатига — 100 тонна. Ускуна Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган.

Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг офисга мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: (+99871) 120-02-02. Масъул шахс: Холтўраев Сухроб.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Бошқарма бошлиғи Дўлқун Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

НУРНИСА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Ўзбек театр санъати кўп йиллик тарихга эга. Уни тадқиқ этиш, яратилаётган янги асарларга ҳолис ва адолатли баҳо бериш кенг дунёқараш, теран тафаккурни талаб қилади. Ана шу маънода, устозимиз Мухсин Қодировни фидойий театр мунаққиди, дейиш ўринлидир. У — кенг маънодаги санъатшунос, Ўзбек театр санъатининг қадим даврадан то шу кунгача тадқиқ этган ва эътиборли назариётчи. Эътиборли педагог, театршуносликда илк қадамларини қўяётган ёшлардаги лаёқат ва иқтидорни дарҳол илғайди, уни ривожлантиришга кўмак беради.

М. Қодировнинг театр санъатига меҳр-муҳаббати унинг бир қатор монографиялари, илмий изланишларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. "Анъанавий театр драматургияси", "Темурийлар даври томоша санъатлари", "Ўзбек анъанавий театри" каби илмий асарлари шулар жумласидандир. Айниқса, "Темурийлар даври томоша санъатлари" устознинг кўп йиллик изланишлари, манбалар билан узлуксиз мулоқотда бўлганлигининг натижаси туфайли юзага келган тадқиқотдир. Қадимда анъанавий театр, рақс, халқ ўйинларининг барча шакллари, турлари "томоша" деган биргина ибора билан белгиланган.

Анъанавий театр мероси ва тарихи

Омма учун мўлжалланган ижролар, майдонда ўйналган, маросимлар билан боғлиқ намойишлар ва ўйинлар ҳам "томоша" деб юритилган. Мухсин Қодиров томоша санъатларига оид маълумотларни археологларнинг топилмаларидан, тарихнависларнинг тадқиқотларидан мисқоллаб излади. Ушбу манбаларда баъзан дастлабки илмий умумлашмалар, тадқиқотлар

ҳам учрайди, албатта. Хусусан, темурийлар даври томоша санъатлари, байрамлар тўғрисида маълумотлар ва умумлашмалар кўпроқ сақланиб қолган. Бироқ анъанавий театр, рақс ва ўйинлар бўйича маълумотлар, умумлашмалар Форобий, Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг рисолаларида тарқоқ ҳолда учрайди. Улар

ни умумлаштириш, ягона бир илмий ҳулосалар қилиш муаллифдан ҳам тарихни яхши билиш, ҳам теран тафаккурни талаб этган. Томоша санъатларининг илмий тарафдан жиддий ўрганилмаганлиги, манба-

лар, маълумотларнинг камлиги туфайли устоз, асосан, илмий "таъмирлаш" услубига таянади.

Олимнинг "Ўзбек анъанавий театри" илмий асари Ўзбекистон ва республикамизга чегарадош ҳудудларга уюштирилган фольклор экспедициялар даврида қўлга киритилган бебаҳо далиллардан ташкил топган. Унда анъанавий театрнинг асосий турлари ва оғзаки драма-

тургия ҳақида сўз боради. Мухсин Қодиров бу китобда оғзаки шаклдаги анъанавий театр тизимини кўрсатишга муяссар бўлди. Саккиз бўлимдан иборат монографияда Ўзбекистон театр санъатининг ўзига хос жиҳатлари чуқур ўрганилган.

Умуман, "Ўзбек анъанавий театри" монографияси фақат тадқиқотчи фольклоршунос, театршунос, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари учунгина эмас, балки театр, рақс, кино ва телевидение ижодий ходимлари учун ҳам зарур қўлланмадир. Шу маънода, режиссёр ва педагог сифатида йирик олим Мухсин Қодировнинг "Ўзбек анъанавий театри" фундаментали ишени Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига муносиб, деб ўйлайман. Зеро, бу тадқиқот ўз илмий савияси ва ноёблиги билан аҳамиятлидир.

Мурод РАЖАБОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.

Маданият хабарлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағиш-лаб Навоий шаҳри ҳамда Нурота туманида "Озод ва обод Ватан!" шиори остида тасвирий санъат кунлари бўлиб ўтди.



Тасвирий санъат кунлари

Ўзбекистон Бадий академияси, вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор жамот ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда таниқли рассомлар, санъат арбоблари ҳамда вилоятдаги тасвирий санъат тўғрақлари аъзолари истиқлолимиз мазмун-моҳияти ва кенг қўламли бунёдкорлик жараёнлари акс эттирилган

асарлари билан қатнашдилар.

Тадбир доирасида ўтказилган ижодий мулоқотлар, таниқли рассомларнинг маҳорат дарсларида ёш ижодкорлар ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Турфа ранглар жилоси

Жиззахда ногирон болалар ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Мафтункор ранглар жилоси" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Унда ижодий кўриқнинг шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган 60 нафарга яқин ёш рассомлар Ватанга муҳаббат ва келажакка ишонч акс этган асарларини намойиш этишди.

Кўрик-танлов якунига кўра, 1-ўрин пахтакорлик Шаҳноза Эргашевага, 2-ўрин форишлик Ирода Сарабековага ва 3-ўрин Жиззахлик Мухлиса Саидовага насиб этди. Голиблар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма оlishди.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Камалак»нинг мафтункор қиёфаси

Янгиқўрғон туманининг тоғли Нанай қишлоғидаги уч юз ўринга мўлжалланган «Камалак» болалар оромгоҳи мукамил таъмирдан чиқарилиб, ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди.

Бунёдкорлик ишларига Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда болаларнинг нафақат мароқли

«ЁЗ — 2013»

дам олишлари, балки билимларини мустаҳкамлаб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча

қулайликлар яратилган. Хусусан, таъмирдан чиқарилиб, замонавий андозалар асосида жиҳозланган маънавият, тиббиёт хоналари, душ ва сузиш ҳавзаси қаторига хори-

жий тиллар тўрагаги, компьютер саводхонлиги хоналарининг қўшилганлиги ўғил-қизлар учун айти мурда бўлди. Ҳозирги пайтда ўқувчилар кўрам қиёфа касб этган оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқариб, навбатдаги ўқув йилига куч-ғайрат тўпламоқдалар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●




STANDARD&POOR'S

Халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

очик акциядорлик тижорат банкининг

барча рейтингларини В+/В даражасида «БАРҚАРОР» истиқболи билан қайта тасдиқлади.

2013 йил, июль

«MAXLAS» МЧЖ

боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган

Моторли пуркагични таклиф этади.

Моторли пуркагич, бир минутда — 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.

Тўлов исталган шаклда.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99895) 170-17-56,
(+99895) 177-17-56.
Факс: (8-371) 234-62-33.
E-mail: maxlas62@mail.ru

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер маркасида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5

ЭЛУ ЮРТ АРДОҒИДАМИЗ

«Қиз боланинг хунарли бўлгани тузук», — дейдилар онам. — Ахир рўзгорининг бир кам-кўстини тўлдирсанг, одамлар оғирини енгил қилиб, уларнинг дуосини олсанг, оилангдан барака армайди», деб қўшиб ҳам қўядилар.

Ўтган йили Тўрақўрғон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежини тамомладим. Шаҳримизда очилган тикувчилик корхонасига ишга жойлашдим. Бузун энг илғор тикув дастгоҳларидан бири ихтиёримда. Яқинда онамни цехимизга олиб келдим. Тикув дастгоҳимни кўрсатдим. Бунчалик ҳаяжонлангиларини кутмаган эканман. Бир пайтнинг ўзида ўндан ортиқ амалиётни бажараётган тикув машинасини кўриб, онам бир зум ҳайратдан лол бўлиб қолдилар. Тўсатдан берган саволлари эса бундан ҳам қизиқ чиқди: «Шундай машинани сен бошқараёсанми, Мухайё?» «Ҳа, мен», дедим ғурурланиб.

Ўйласам, қувониб кетаман: маҳсулотларимиз бозорда қўлма-қўл. Бир қисмини экспортга ҳам жўнатаёلمиз. Дарвоқе, ўзингиз тиккан либосларни одамлар кўз-кўзлаб кийиб юришганини кўриш жуда мароқли экан. Мен ва тенгдошларим она-Ватан паноҳида, унинг ардоғидамиз. Насиб қилса, ўз меҳнатимиз билан фарзандлик бурчимизни муносиб адо этамиз.

Мухайё МАДРАҲИМОВА,
«SAAS teks invest»
МЧЖ Наманган филиали ишчиси.

Чашмадаги ТИЛСИМОТ

Юртимиз ўзининг тарихий обидалари, осориатикалари, муқаддас қадамжолари билан машҳур. Жумладан, Нурота чашмасига ҳар йили минглаб юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар ташриф буюради. Ушбу қадамжодан чиқайтган сув ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Бундан икки йил муқаддам чашма суви йиғирмадан зиёд минераллар билан тўйинганлиги аниқланди. Айниқса, унинг таркибиде фторнинг меъёрагидан 5-6 марта камлиги турли тиш хасталикларини, хусусан, қариеснинг олдини олади. Сувнинг ҳарорати кишин-ёзин бир меъёрада илқ бўлиб, ҳар сонияда 400-500 литр сув Ер остидан қайнаб, отилиб чиқади. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган чашма ҳамда ундаги балиқлар муқаддас саналиб, эъзозланган. Ушбу чашмани ўрни ва табиатига кўра чинакам мўъжиза, дейиш мумкин.

Дарвоқе, балиқлар ҳақида. Нурота чашмасини ундаги балиқларсиз тасаввур этиш қийин. Балиқлар ҳақидаги кўплаб ривоятлар халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. Бу ердаги балиқлар ташқи таъсирга ўта сезгир бўлиб, фақатгина тоза сувларда яшай олади. Сувнинг ифлосланиши эса уларни ноубуд қилади. Шу боси ҳам чашма балиқларини озиклантириш, унга турли емишлар ташлаш тақиқланган. Ушбу чашма билан умумий алоқада бўлмаган ва минглаб чакирим узокликда жойлашган Хоразмдаги Султон Увайс зиёратгоҳи, Самарқанддаги Ҳазрати Довуд, Қарнаб ота зиёратгоҳлари чашмаларида ҳам ана шундай балиқлар мавжуд.

Нурота балиқлари фанда маринка, маҳаллий халқ тилида эса «Ширмоҳи», «Шоҳ балиқ», «Қора балиқ», «Хон балиқ» сингари номлар билан аталади. Улар 60 см.гача узунликда бўлиб, 20 йил яшайди. Бошқа балиқлар сингари улар ҳам ухламайди, тинч ҳолатда дам олади. Мутахассисларнинг фикрича, «Ширмоҳи» балиқлари энг тоза сувга мослашган бўлиб, қўлдан овқат емайди. Улар чашма суви орқали хонадонлардан оқиб ўтаётган ариқларда ҳам сузиб юраверади. Бу антиқа балиқларнинг сезги органи яхши ривожланган. Ер қимирлашини аввалдан сезади. Кўзлари 12 метргача бўлган масофани кўришга мослашган.

Мустақиллигимиз шарофати билан ушбу қадамжо ва унинг атрофи тубдан ўзгарди. Зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилиб, обод гўшага айлантирилди. Хусусан, қадамжо ҳудуди қарийб 4 гектар майдонга кенгайиб, истироҳат боғи барпо этилди. Табиийки, бу ҳар биримиздан ушбу мўъжизавий масканга эътибор билан таътиркорлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Йигитали БАҲРИДДИНОВ,
Нурота табиий-меъморий мажмуаси музейи директори.

